

МУХТАРАМ САМАРКАНДИЙЛАРГА ХОЛИСОНА АРЗ

Ахли хабаранинг маълумидурким, эски ҳукумат замонида ҳар нимарса амр ва буйрук ила бўлур эди. Халойикнинг диний ва миллий ишларини ислохи ва ривожи тўғрисида килатургон ҳаракатларга йўл берилмас эди. Ҳеч нимарса ҳукуматдин бежавоб ва изнсиз килина олмас эди, ҳозирда бўлса, Худойи таоло бизга хуррият берди. Диний ва миллий ислохот ва тараккийимиз учун ҳаракат ва сайъ этмокга йўл очукдир.

Хурриятнинг учинчи ойиндамиз. Лекин биз самаркандийлар диний ва миллий ишимизни ривож бермок учун хануз бир иш кила олмагандурмиз. Ахли жамоат ва гайрат бир неча ёшлар, ахли мурувват бир неча мўйсафид ва катталаримиз бир неча кун бир бўлиб, баъзи яхши ишларни бажармокчи бўлдилар. Хатто, уламои киромдан аксари кўшулмокчи бўлдилар, билкулли кўшулдилар.

Ёшларнинг очган «исломий кулуби» ҳар кун уламо, савдогар ва ахли касабадан бир неча дафъа тўлуб бўшолуб эди, ишлар яхши кетар эди, умидлар кавий эди. Ояндамизнинг яхши бўлушини истидолар килур эдук. Аммо ишлар ва иттифоклар узокга сурилмади. Бир неча тажрибасиз ва тез ҳаракат ёшлар, бир-икки нафар нафсониятга ботган ва ўлгунча тузолмайтургон кишилар кадима игво ва фасодни ўртага солдилар, натижада Самарканд халки иккига бўлунди. Балки икки эмас, юзга бўлунуб, халкнинг кўнгли совуб, баъзиларининг сўз ва ҳаракатларидан нафратланиб, таркалиб кетдилар.

Букун маънойи хакикийси ила Самаркандда бир жамият йўк, миллат ва дин ояндаси учун натижалик бир сайъ ва ҳаракатни бошкаратургон бир жамият йўқдур, ҳозиргача айтур эдукким, бизнинг миллий ҳаракатимизга ҳукумат монеъдур, аммо энди ўзимиз монеъмиз.

Эй хазрати уламо! Эй тужжор, ахли касаба ва агниё! Эй, гайратлик ёшлар! Нифок ва бир-бирига душманликни ташлангиз. Худо хаки, арвохи анбиё хурмати ва бу кунларда корнини тўйгазолмайтургон етим ва бевалар хаки бири-бирингиз ила иттифок этуб, жамиятлар барпо килуб, холик Худонинг нафъига, дин ва миллат йўлига хизмат этингиз. Миллат ва халк сиздан хизмат ва яхшилик талаб этадур, нафсоният ва гурур эмас.

Эй ёшлар! Сиз ҳам бир оз огир ва хушсўз бўлингиз. Хурриятнинг аввалида халойик сизга инонди, сизга ўзини ташлади, аммо сизлар тажрибасизлик этиб ва ўз орангизда ихтилоф кўрсатиб, халкнинг ўз борангиздаги хушгумонлигини, афсуским, йўкотдингиз. Мана шул йўкотганингизни кайтариб топмокка харакат, саъй этингиз. Халк сизларга майл килгон эди, сизлар, тўгриси, бажаролмадингиз. Мана шу тажрибасизлигингизни хотирингизга келтирунгиз ва бул ёшларга дарси ибрат бўлсун.

Мухтарам ёшлар! Замон сизникидур, карилар замони ўткан. Сиз киромга бобасират бўлуб, ўн дафъа ўлчаб, бир дафъа кесингиз. Оташинлик ва тезлик ила иш бўлмас. Ал-ажла минаш-шайтон! (Шошилган шайтондандир!) Бу фикрни бошингиздан чикарингизким, сизнинг ўз бошингизга тараккий килмогингиз мушкулдур. Балки, бутун шахрингиз ва миллатингиз ила тараккий килурсиз.

Ман ҳам йигирма йилдан бери харакат этаманким, тараккий пайдо бўлсун, шуни сизлар ҳам билурсизки, ўн ва йигирма нафар ила тараккий бўлмайди ва бўлмас экан. Бинобарин, ўрта ва бир кадар имкони кўпрок киши майл килатургон йўл ила тараккий этмок керак ва унсиз бошка чора йўқдир. Муни мен бир неча дафъа сизларга юз ба юз айтганман. Мухтарам хамшахарларимдан аксари шундай биладурларки, менинг хар сўзумни сизлар кабул киласиз ва сизнинг хар бир ишингиз менинг машваратим ила бўлур. Хайр ундай эмас. Ёшларнинг баъзи бир машварат ва ишларига шерик бўлсалар ҳам баъзисидан бежабардурман. Аларнинг барча ишларига мен масъул эмасмаи. Зотан хеч ким хеч бир кимнинг харакатидан масъул эмасдур.

Азиз хамшахарларимга, мўътабар ахли ватаним, хаммангиз бир бўлуб, халк ва диннинг ривожу учун бирлашуб, орадаги нафратларни ташлаб, Худонинг берган хуррият неъматидан нафъиланмок харакатида бўлмок керак ва ал-он (токи) бизнинг харакатсизлигимиз биздан хурриятни кеткуриб, яна бошкаларга бизни асирлик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейин кетармиз. Бизнинг авлодимиз хамда халки олам бизга рахмат ўрнига лаънат ўкурлар.

Бу сўзлар тўгри сўзлардур. Ёш ва карилардан, албатта, мандан ушбу сўзларим учун ранжийдургонлар бўлур. Аммо начора, тўгрини аймагунча, ишлар тўгриланмас. Олдимизда сахар думаси сайлўви, мажлиси маъбусон(?) (учредитулная собрания) сайлўви, мамлакат думаси сайлўви турубдур. Агарда Самарканд ёш ва карилари шу холатда турсалар, вой бизнинг холимизга! Халки олам бизга кулар. Биз янадин бошкаларнинг асири бўлурмизким, бунга тажрибасиз ёшларимиз, тараккийни

хохламайтургон катталаримиз сабаб бўлурлар ва ҳам бизнинг ишсизлигимиз учун бошқалардан кейин колишимиз мукаррардур. «Колу ал хак валу кон маран» — «Тўгрини сўйла аччик бўлса-да!»

«Хуррият» газетаси, 1917 йил, 13 май.